

АТАЕВ Азамат

Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети ўқитувчиси,
Матнишунослик ва адабий манбашунослик
кафедраси таянч докторанти
azamatatayev79@gmail.com

ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИДА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

МЕСТО ПРОИЗВЕДЕНИЙ МАХМУДА АЗ-ЗАМАХШАРИ В ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЕ ХОРЕЗМА

THE PLACE OF MAHMUD AZ- ZAMAKSHARI'S WORKS IN THE LITERARY OF KHOREZM

Аннотация: Мақолада VIII-XIII асрлар Хоразм адабий муҳиtida Маҳмуд Замахшарий асарларининг ўрни, Маҳмуд Замахшарий ҳақида замондош уламоларининг эътирофлари ҳамда Хоразмдаги арабийзабон бадиий адабиёт мухтасар баён қилинган. Маҳмуд Замахшарий нафақат тафсир илмида, араб тили мутахассиси, балогат ва фасоҳат, адабий ёзувчилик ва шеърятда ҳам эътироф этилиши таъкидланиб, “Навобигул калим” деган асари ёки бошқа кенг тарқалган матнлари очиб берилган.

Калим сўзлар: арабийзабон, тарихий манба, адабий манба, адабиётшунос, ҳадисишунос, балогат, фасоҳат, манбашунослик, матнишунослик.

Аннотация: В данной статье кратко описывается роль произведений Махмуда аз-Замахшари в литературной среде Хорезма VIII-XIII вв., признания о Махмуде аз-Замахшари в арабской художественной литературе Хорезма. Махмуд аз-Замахшари признан не только в науке тафсира, знаток арабского языка, литературного письма и поэзии в примере его труд «Навобигул Калим» и других статей.

Ключевые слова: арабский язык, исторический источник, литературный источник, литературовед, хадисовед, красноречие, источниковедение, текстология.

Annotation: This article briefly describes the role of the works of Mahmud al-Zamakhshari in the literary environment of Khorezm in the 8th-13th centuries, confessions about Mahmud az-Zamakhshari in the Arabic fiction of Khorezm. Mahmoud al-Zamakhshari is recognized not only in the science of tafsir, an expert in the Arabic language, literary writing and poetry, as an example of his work “Nawabigul Kalim” and other articles.

Key words: Arabic language, historical source, literary source, literary critic, hadith scholar, puberty, eloquence, source study, textual criticism.

КИРИШ

Марказий Осиё минтақаси ўзига хос ягона тарихий-маданий макон сифатида жаҳон цивилизацияси ривожига улкан таъсир кўрсатгани барчага яхши маълум. Хусусан, “Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган IX-XII асрларда бу диёрда биринчи Ренессанс юз бериб, ўлка ҳудудидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар етишиб чикди ва бутун мусулмон оламининг фахру ифтихорига айланди. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарий тараққиётга бекиёс таъсир кўрсатди. Хусусан, Замахшарий ҳам ўз даври ва келажак авлод учун дастурул амал бўладиган асарлари билан кишилик тарихига ўз номини муҳрлаб кетган алломалардан саналади [1:16].

Абулқосим Замахшарий (Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад ибн Замахшарий) XI-XII асрлар Хоразм адабий муҳиtida араб тилида ижод қилган энг улуғ муаллифлардан, машхур ёзувчилардан биридир. Унинг таълифотлари юқори илмий даражада бўлиб, диний-тарбиявий мазмундаги асарлари ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Бу борада муаллифнинг “ал-Кашшоф”, “Муфассал”, “Асосу-л-балоғ” сингари асарларига назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳмуд Замахшарий нафақат тафсир илмида, араб тили мутахассиси, балогат ва

фасоҳат, адабий ёзувчилик ва шеърятда ҳам тан олинган. Адибларга (адабиётшуносларга), муҳаддис (ҳадисшунос) ва фуқоҳоларга (фиқҳ илми ҳуқуқшуносларига) ҳам устозлик қилган, ўта теран фикрлари билан бошқалардан ажралиб турган. Шу сабабли, Замахшарийнинг турли юртлардан шогирдлари ҳам кўп бўлган. Хусусан, Замахшарда Абу Амр Омир ибн ал-Ҳасан ас-Самир, Табаристонда Абул Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ Тулий, Абюртда Абул Маҳосин Абдурраҳим ибн Абдуллоҳ ал-Баззоз, Самарқандда Абу Саъд Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шоший ва бошқалар Замахшарийни ўзларига устоз деб билишган [2:120].

Шунингдек, Замахшарийнинг илми, фазли ва одоби хусусида замондошлари ҳам, тарихчилар ҳам мактаб, улуғлаб ёзишган. Жумладан, Ёкут Ҳамавий у ҳақида айтади: “Тафсир, наҳв ва одоб илмларида имом бўлган. Илми кенг, фазли катта, турли хил илмларни пухта билимдони бўлган” [3:126].

Самъоний айтади: “Замахшарий адабиёт ва наҳв илмида зарбул масал (ўрнатилган бўладиган инсон) эди”. Ибн Халликон эса шундай деганлар: “Ҳеч бир эътирозсиз ўз замонасининг мутлоқ имоми бўлган. Унинг фанларидан фойдаланиш учун ҳамма сафарга бел боғлайди” [4:120].

Қофтий у киши ҳақида айтади: “Ҳар бир илмдан Маҳмуд Замахшарийга керак бўлган бир тарафи берилган. Тилларнинг ҳар бир нозик тарафлари у кишида мужассам эди. Унинг макони ва замони билан ҳамма замон ва маконлар шарафли бўлди. Маҳмуд Замахшарий яшаган даврда назм ва наср бўйича унга етадиган ҳеч бир одам бўлмади. Одоб ва шеър борасида қиличларни ўтқирлайдиган чархга айланди. Унинг фазилатли юлдузи билан кишилар ҳидоятландилар, унинг ақл чакмоқтоши билан учқун олдилар”.

У киши ҳақида имомларнинг пешвоси Ал-Маваффақ ибн Аҳмад Ал-Маккий шундай дейдилар: “Хоразм фахри бўлмиш Замахшарий келишларидан олдин Хоразм Абу Бакр Хоразмий билан гуллаб-яшнаган эди, Замахшарий билан фахрланишда Хоразм хатога йўл қўймади [5:392].

Имом Замахшарийнинг наср ва назмдаги мақомотлари ва мақолалари (яъни “Атвоқуз заҳаб” асари) замонимизгача жуда кам етиб келган. Асосан, бизга Замахшарий умрининг

иккинчи қисми, яъни тавба қилгандан кейинги давридаги шеърлари етиб келган.

Маҳмуд Замахшарийнинг турли хил мақолалари ва мақоматлари, қофияли хикматларига, “Навобиғул калим” деган асари ёки бошқа кенг тарқалган матнларига қарайдиган бўлсак, унинг адабий ёзувчи бўлганини англаймиз. Аммо Замахшарийнинг баъзи ишончли манбаларда келтирилган ҳар бир илмга алоҳида ёзган айрим рисоалари ва асарларини топа олмадик, улар ҳали ҳануз фанга номаълум, қидириладиган китоблар ҳисобланади.

Замахшарий ваъдага вафо қилиш ҳақида гапиради. Ваъдага вафо қилишни ҳам охиригача олиб боришга чақиради. Кейин саҳийлик ҳақида сўз боради. Бераётганда очиқ қўл билан берилиши кераклигини насиҳат қилишдан қўра, саҳийликни амалда бажариш кераклигини таъкидлайди. Бу гапларнинг диққат билан ёзилгани гапириладиганда ҳам эшитувчига жуда чиройли тарзда етиб боришига замин яратади.

Шуни алоҳида қайд қилиш ўринлики, Замахшарий балоғат илмининг энг асосий қисмлари ва нозик жойларини яхши англаган ўта ҳассос ижодкор олим бўлган. Шунингдек, сўзларни яшаш борасида ҳам усталиги билан ажралиб турган. У бадий илмига комил риоя қилиш, имкон қадар шеърда қофияни тўғри танлаш кераклигини таъкидлайди. Бунинг сабаби, мақомат эгаларининг луғат илмига яқинроқ бўлганидандир. У маъруза услубини танлаганининг энг асосий сабаби Ҳасан Басрий сингари олдинги фан олимларининг китоблари билан танишиб, улардан таъсирланганидир.

Замахшарий Ҳасан Басрийнинг ўзига хос жиҳатларини гапириб ўтади. Қуйида келтириладиган иқтибосдан кўрамизки ундан таъсирланади, унга ўхшашга ҳаракат қилади ва ўзини унга таққослайди.

Абулқосим нафси азиз инсон эди, ўзини амалига, ишига жиддий эътибор қаратар эди. Искандария ҳофиз Абу Тоҳир Салафийга йўллаган қуйидаги гапида ҳам айнан шунга урғу берган: “Мен алломалар билан ўзимни солиштирадиган бўлсам, мен худди осмоннинг очиқ-ойдин чироқлари олдида арзимаган ва кўринмайдиган кичик юлдузчага ўхшайман. Дарё бўлиб қуйиладиган ёмғирли булутлар олдида умуман суви йўқ булутчага ўхшайман.

Пойгада ҳаммадан олдинда илгарилаётган отлар олдида энг охирида етиб келадиган тойчоққа ўхшайман. Ўз ўлжасига ташланаётган йиртқич қуш олдида эса заиф ва инидан чиқа олмайдиган қушчага ўхшайман. Илм иккита эшиги бор бир шаҳардир. Биринчи эшик илмни олиш ва уни англаш бўлса, иккинчи эшик илмни ёйиш ва уни ривоят қилишдир. Мен мана шу иккала эшикдан кирадиган бўлсам, бу ўринда менинг молим арзимаган, яхши эмас. Иккала эшикнинг олдида менинг соям энг кичик тошдан ҳам кичикдир. Ривоятга келадиган бўлсак, саҳобаларга яқин замонда туғилганим, оилам шажараси уларга яқин бўлгани билан худди олдимдаги ариқдан сув ичолмаётгандекман. Илм олишга келсак, мен худди яқиндаги сувга эга бўла олмаётгандекман, бу сувдан оғзимни ҳўллаб олмаётгандек туюлади менга” [3:132-133].

Яна Замахшарийнинг тавозели экани ҳақида ўзларининг сўзларидан қуйидагиларни ўқиймиз: “Мени ортимдан мақтаб гапираётганлар, мақтовлар сизларни ғурурлантириб қўямасин, чунки бу ёлғон! Бу юзаки қараш билан ғурурланиш бўлиб қолади. Ичимдаги хунук бир ўзлигимга сизларнинг жохиллигингиз сабаб бўлиб қолиши мумкин. Балки уларга мени ёқадиган жиҳатим – мусулмонларга чиройли насиҳат қилганим бўлса керак. Манфаатдорларга уларнинг ёнини олганим, ҳунармандларга менинг фойдам теккани, ҳар хил сафсата гаплардан, одамни қадрини тушурадиган амаллардан ўзимни олиб қочганим, фақатгина ўзимга хос бўлган нарсаларга эътибор берганим, менга керак бўлмаган нарсалардан юз ўгирганим учун мен уларнинг кўзларига улуғ кўриниб кетдим. Мен ҳақимда нотўғри гапириб қўйишди, кўп жиҳатларга эга бўлмасам ҳам мени улуғ санашди. Мен бу мақтовларни ўзимга раво кўрмайман. Мен Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг гапларига Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ айтганларидек амал қиламан: “Сизларнинг энг яхшингиз бўлмасам ҳам сизларга волий (ҳоким) қилиб тайинландим”. Мени қидираётган инсонларга ўзимнинг ичимдаги рост ҳолатимни, илм даражамни кўрсатиб бердим. Ким билан учрашдим, кимдан илм олдим, мени илмим у даражада юқорига чиқиб кетмади. Қўлимдан келгани шу бўлди”.

Юқоридаги китобда ёзилган сатрлардан кўрамизки Замахшарий ўзининг тенгдошлари, асрдошларини кузатган. Уларнинг гапларини, хабарларини эшитган. Илм ва ривоятга суянган ҳолатда, улардан олдинги олимларнинг гапларини ўзлаштирган, улардан ўрнат олганини айтган. Бу ҳақида яна шундай дейдилар: “Кимга ўз нафсигина азиз бўлса, бу қип-қизил ўлим ва аниқ-тайин ҳалокатдир. Кимки хорлик сабабини билиб қолиб, ундан нари юрса, улуғлик сувининг мазасини тушуниб, унга интилса, уруш денгизига яқин бормаса, шернинг оғзидан тирик чиқа олса, иззат-нафс ва ҳиммат мартабасига эришган бўлади” [6:22].

Замахшарийнинг улуғворлиги уни ўз ватандошларини кўрмаслик, улардан узоқлашишга олиб келди. У мазкур ҳолатни назмда қуйидагича айтган: “Кўпинча яхши сифатлар ва саъйи ҳаракат билан васфланган киши ёмон амалли бўлиши мумкин, яна шу каби ювошлик ва теран илмли деб тасвирланган киши бу икки сифатдан узоқ бўлиб, иккаласи билан унинг орасида узоқ масофа бўлиши мумкин (яъни кўп одамлар борки, уларни жохиллар ҳулқи чиройли деб ўйлайдилар, лекин улар ҳақ эгалари кўзида айбларга ва қабихликларга тўла бўладилар. Илм ва ювошлик улардан узоқ бўлади)” [6:101].

Замахшарий ўз замонида ғариблигини айтиб, ўзидан ва ҳокимларидан шикоят қилади: Эй, Абулқосим! Умрингдан афсусланиш бўлсин! Сен ўзингни исмингни, илмингни қолдиришга қанча ҳаракат қилдинг, ўзингни қўл билан кўрсатишларига қанча ҳаракат қилдинг, бу нарса сени чарчатди, сенга бир хурмонинг пўстлоғи каби ёрдам бермади. Сен: “Қўл билан кўрсатиш – чиройлилиқ, машҳурлик бу – комиллик”, деб ўйладинг. Эй, ғофил банда! Комиллик нима эканини биласанми? Комиллик бу яширинча амал қилишдир. Одамлар уни танимайди, ундан қочади. Ҳақиқий комиллик Аллоҳ зикри билан бўлади. Унинг даражаси ерда улуғдир. Уни одамлар ёмон кўриши, улуғламаслиги мумкин, қўл билан кўрсатадиганлар, ёрдамчилари бўлмаслиги мумкин, лекин Аллоҳ наздида мартабаси улуғдир” [7:171].

ХУЛОСА

Юқоридаги матнлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, VIII – XIII асрлар Хоразм адабий муҳитида Маҳмуд Замахшарий асарлари ўзига хос муҳим ўрин тутди. Аллома Замахшарийнинг грамматик асарларини ўрганиш орқали араб тилининг морфология ва синтаксисини пухта эгаллаш, тафсир илмига оид асарлари орқали Қуръони карим оятларини теранроқ тушуниш имконига эга бўлар эканмиз, айни вақтда Маҳмуд Замахшарийнинг адабий асарлари тадқиқи давр адабий муҳитини чуқурроқ англаш, ижтимоий-сиёсий ҳолатларни таҳлил қилишимизда қимматли маълумотлар берувчи асосли манба бўлиб хизмат қилади.

Замахшарийнинг бебаҳо насиҳат ва иршодлардан иборат асарларига бутун оламда эътибор қаратилиши, албатта, бизда ифтихор туйғусини уйғотади. Аждодларимиз билан фахрланишни ўзи кифоя қилмайди, балки энди улар қолдирган маънавий мероснинг ҳақиқий ворисига айланиш вақти етди.

Бугунги кунда Замахшарийнинг илмий меросини тадқиқ этишга ўз илмий фаолиятини бағишлаган профессор-устозларимиз, ёш тадқиқотчилармиз кўп. Улар томонидан Замахшарийнинг илмий меросини турли жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ва рисоалар чоп этилмоқда, мақола ва кўрсатувлар тақдим этилмоқда, турли диссертациялар ҳимоя қилинмоқда, лекин чет элларда Замахшарийнинг илмий меросини ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳамда олиб борилаётган тадқиқотларга қиёслаганда бу ишларимиз ҳали етарли эмаслиги маълум.

Буюк аждодларимиздан бири аллома Маҳмуд Абул Қосим ибн Умар аз-Замахшарийнинг зуҳд ва чиройли ахлоққа чақирадиган, ёмонликларни тарк этишга тарғиб қиладиган ва яхшилиққа буюрадиган олтин насиҳат ва иршодлардан иборат асарлар тўпламларини ўрганиб оммага тақдим этиш орқали жамиятимиздаги турли иллатларни муолажа қилишда ва ёш авлодларимизни чиройли тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021
2. Аҳмад Муҳаммад Ҳуфий. Аз-Замахшарий. – Қоҳира: Дорул фикр ал-арабия, 1966.
3. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-удабо. – Байрут: Мактаба Дор Фарб ал-Исламий, 1993.Ж.19
4. Ибн Ҳалликон, Вафйятул аъён. – Байрут: Дорус Содир, 1978. – Ж. 19.
5. Ёқут ал-Ҳамавий. Мўжамул адаб фий мўжамил алқоб. – Дамашк: Мактаба Ҳайсияту ал-Димашк, 1933. – Ж. 4.
6. Маҳмуд Замахшарий. Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъ вал-хутаб, Аҳмад Абдуд-Таввоб Аваз таҳқиқи. – Қоҳира: Дорул фазилят, 1994.
7. Маҳмуд Замахшарий, Макомоту-з-Замахшарий. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1982.
8. Абу Мансур Саолибий. Ятимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изох ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. – Тошкент: Фан. 1976.
9. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1983.
10. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. – Т. 1. – Москва, 1963.
11. Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф ан ҳақоик ғавомиди-т-танзил ва уюни-л-ақовийли фи вужуҳи-т-таъвил. – Қоҳира: Дорул фазилят, 1966.
12. Исламов З.М. Сочинение “Золотые ожерелья” и его влияние на развитие литературы народов востока. – Прага: НИЦ “Социосфера”, 2014, № 2.
13. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума (“Атвоқу-з-заҳаб” асари асосида) / Таржима муаллифи Р.Зоҳид. – Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2011.
14. Фозил Солиҳ Самроий. Замахшарийнинг наҳвий ва луғавий қарашлари. – Бағдод.: Матбаатул Иршод, 1971.